



## АҲОЛИ ЎРТАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович

Гулистан давлат университети доценти

Telefon: +998996070685

Соипова Наргисхон Сафарбоевна

Гулистан давлат университети магистри

Telefon: +998911026618

*Abstract.* Уибу мақола мамлакатда аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолиятини разғбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириши билан узвийлигини таъминлаш ҳақида боради.


**Калим сўзлар:** тадбиркорлик, ҳунармандчилик, иқтисодий самарадорлик, банк, банкротлик, рақобат.

**Кириш** Мамлакатда аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолиятини разғбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириши билан узвийлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Айниқса, муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ўз билим, тажриба ва қўникмаларини “янги авлод”га ўтказишини таъминлаш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш бу борадаги аҳамиятли йўналишлардан ҳисобланади.

Худуд ёки миллий даражада тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бу борадаги асосий билим, тажриба ва қўникмаларнинг кенг тарғиб этилиши ва “тадбиркорлик вируси”нинг тарқатилишига боғлиқ. Кўпинча тегишли бошқарув даражаларида мазкур жараёнга етарли эътибор қаратилмаслиги натижасида тадбиркорлик фаолиятини такрор ишлаб чиқариш доираси торайиб бориб, иқтисодий тараққиётни секинлаштириши мумкин.

### Тахлил ва натижа

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 309-бандида “Худудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оиласар, аёллар ва ёшларнинг ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликни қайта тикланиш хавфини бартараф этиш” устувор йўналиши белгилаб берилган. Мазкур йўналишни амалга ошириш механизми сифатида қўйидагилар кўрсатиб ўтилган: (1-расм)



### 1-расм. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири.<sup>1</sup>

- камбағал оилалар билан манзилли ишлаш тизими니 автоматлаштириш. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига» интеграция қилиш;
- камбағал аҳоли ва камбағаллик рискига тушиш эҳтимоли юқори аҳолига тақдим этиладиган ёрдамларни фақат ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали амалга ошириш;
- аҳолини камбағалликдан чиқариш йўналишида мавжуд инструментларни янада такомиллаштириш ва манзиллиигини таъминлаш;
- бизнеснинг ижтимоий масъулиятини рағбатлантириш. Бунда, биринчи навбатда, меҳнат жамоасига муносиб ойлик маошларни белгилаш ва уларга кўшимча «ижтимоий пакет»лар тақдим этиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориш ҳисобига кўшимча иш ўринлари яратиш масалаларига эътибор қаратиш;

### Хулоса

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган



Хулоса қилиб айтганда ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга масъул идоралар ва тузилмалар томонидан бизнес-ғояларни ишлаб чиқишида энг муҳим талаб сифатида уларнинг бевосита аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлаш даражасидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу эса тадбиркорлик тузилмалари томонидан ишлаб чиқилувчи ва турли мақсадларда тегишли идора ва муассасалар (маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари, инвестиция компаниялари, ҳомийлар, инвесторлар, ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонлар)га тақдим этилувчи бизнес-режалар орқали амалга оширилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига 2-илова. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. - <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4231-сон “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. -<https://lex.uz>
3. Малый бизнес в условиях кризиса <http://www.bcprofi.ru/business/news/> 3961/
4. Yusufaliyev, Olim, & Islom, M. (2023). Development of Artificial Intelligence Technologies and Mechanisms Economic Impact.
5. Tursunalievna, A. M., & Azizaxon, R. (2022). TILSHUNOSLIKDA KOGNITIV YO'NALISHLAR. FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI| JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION, 1(2), 117-123.
6. Abdurahmanova, M., & Nizomova, F. (2022). O 'ZLASHMA SO 'ZLAR BAZASINI YARATISH OMILLARI. COMPUTER LINGUISTICS: PROBLEMS, SOLUTIONS, PROSPECTS, 1(1).
7. qizi To'yeva, M. S. (2022, November). YANGI O 'ZBEKISTON ORIFA AYOLLARI VA G 'ARB AYOLLARINING JAMIYATDAGI MAVQEYI VA ULARNING HUQUQLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 2, pp. 74-81).
8. Turapovna, I. S. (2022, December). MENTAL BIRLIKLARDA RANG KOMPONENTLI BIRLIKLAR. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS (Vol. 1, No. 26.12, pp. 59-66).
9. Israilova, S. (2023). TARIXIY MANBALARDA RANGLAR TALQINI. MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O 'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI ILMIY JURNALI.
10. Saodat, I. "Ko 'k" leksemasining etimologik tavsifi. O 'ZBEKISTON, 75.